

САМАРАЛИ ВА ДЎСТОНА МУЛОҚОТЛАР ЎЗБЕКИСТОН — СЛОВЕНИЯ МУНОСАБАТЛАРИДА ЁРҚИН САҲИФА ОЧДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Словения Республикаси Президенти Наташа Пирц Мусарнинг таклифига биноан 21-22 май кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.



22 май куни Люблянадаги Конгресс майдонида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни расмий кутиб олиш маросими бўлиб ўтди. Давлатимиз раҳбарини Словения Президенти Наташа Пирц Мусар самимий кутиб олди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул сафланди. Харбий оркестр Ўзбекистон ва Словения давлат мадҳияларини ижро этди.

Икки мамлакат раҳбарлари фахрий қоровул сафи олдида ўтиб, расмий делегациялар аъзолари билан саломлашдилар.

Расмий маросимдан сўнг «Звезда» боғида уруш қурбонлари хотирасига ҳурмат ҳамда тинчлик ва инсонпарварлик юғярига садоқат рамзи сифатида Барча урушлар қурбонлари ёдгорлигига гул қўйилди.

Шундан сўнг Любляна шаҳридаги Президент саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Словения Республикаси Президенти Наташа Пирц Мусарнинг тор доирадаги ва расмий делегациялар иштирокидаги музокаралари бўлиб ўтди.

Учрашув аввалида давлатимиз раҳбари Словения етакчисига самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, сўнгги йигирма йилда илк бор ўтказилаётган олий даражадаги тадбирлар икки мамлакат муносабатларида янги босқичнинг бошланиши сифатида тарихга киришини таъкидлади.

Ўзбекистон ва Словения ўртасидаги амалий ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Сийёсий мулоқот, турли даражадаги алоқалар ва ишбилармонлик учрашувлари фаоллашгани мамнуният билан қайд этилди. Икки мамлакат БМТ ва бошқа халқаро тузилмалар доирасида бир-бирини қўллаб-қувватлаб келмоқда. Кейинги йилларда товар айирбошлаш уч баробар кўпайди. Маданият ва туризм соҳаларидаги алмашинувлар кенгаймоқда. Ўзбекистонда Словения фуқаролари учун визасиз режим жорий этилган.

Икки томонлама муносабатларга тизимли тўш бериш учун олий ва юқори даражадаги мунтазам мулоқотни йўлга қўйиш муҳимлиги таъкидланди.

Товар айирбошлашни кўпайтириш ва

унинг ҳажмини, энг аввало, маҳсулотлар турини кенгайтириш ва импорт ўрнини босиш ҳисобига биринчи босқичда 500 миллион еврога етказиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистондан тўқимачилик, мева-сабзавотлар, минерал ўғитлар, мис маҳсулотлари ва бошқа саноат товарлари, Словениядан эса дори-дармонлар, илғор технологиялар ва ускуналар етказиб бериш шулар жумласидан.

Словениянинг «Копер» порти салоҳиятидан Европа Иттифоқи бозорига чиқиш учун логистика ҳаби сифатида фойдаланиш имкониятлари ўрганилди.

Словениянинг етакчи компаниялари билан Саноат кооперацияси дастурини қабул қилиш, шунингдек, замонавий асбоб-ускуналар, саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, фармацевтика маҳсулотлари, шу жумладан, асал ва шифобахш гиёҳларга асосланган дори ишлаб чиқаришини маҳаллийлаштириш, энергетика объекти-ларини қуриш ва модернизация қилиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан келишувларга эришилди.

Меҳнат миграцияси соҳасида тизимли ҳамкорлик қилиш учун тил, касбий кўникмалар ва меҳнат стандартлари бўйича ўқитиш, мослаштириш дастурларини ишлаб чиққан ҳолда Уюшган меҳнат миграцияси тўғрисидаги битимни тайёрлашга келишиб олинди.

Туризмни, айниқса, қишлоқ ва тоғли ҳудудларда ривожлантириш истиқболли йўналиш сифатида белгиланди. Таълим соҳасида томонлар дипломларни ўзаро тан олиш тўғрисидаги битимни имзолашга ҳамда Любляна ва Марибор университетлари билан қўшма таълим дастурларини йўлга қўйишга келишиб олдилар.

Бундан ташқари, келгуси йилда Тошкент шаҳрида икки мамлакат олий таълим муассасалари ва илмий марказлари иштирокида Ёшларнинг инновацион лойиҳалари форуми ўтказилди.

Гуманитар алмашинуви мустаҳкамлаш мақсадида томонлар ўзаро маданият кунлари ва Любляна шаҳрида Ўзбек киноси ҳафталигини ўтказиш ташаббусини илгари сурдилар.

Белгиланган барча вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида Ҳукуматлараро комиссиянинг биринчи йиғилишини жорий йил июль ойида

Любляна шаҳрида ташкил этишга қарор қилинди.

Учрашув якунида давлатимиз раҳбари Словения Президенти Наташа Пирц Мусарга ўзи учун қулай вақтда жавоб ташрифи билан Ўзбекистонга келишни таклиф этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Словения Республикаси Президентининг Роберт Голоб билан учрашув ўтказди.

Ўзбекистон билан Словения ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик ва амалий шериклики, энг аввало, савдо-иқтисодий ва инвестициявий соҳаларда кенгайтириш масалалари диққат марказида бўлди.

Бўлиб ўтган олий даражадаги музокараларнинг самарали натижалари юксак баҳоланди.

Савдо, инвестиция ва кооперация соҳаларида биргаликдаги ишларни фаоллаштириш муҳим экани таъкидланди. Ташриф доирасида ўлказиладиган бизнес форуми янги алоқаларни ўрнатиш ва қўшма лойиҳаларни илгари суриш учун самарали майдон бўлиши таъкидланди.

Талаб юқори бўлган маҳсулотларни ўзаро етказиб беришни кўпайтириш орқали товар айирбошлаш ҳажмини 500 миллион еврога етказиш чоралари кўриб чиқилди. «GSP+» преференциялар тизими ва имзоланган стандартлаштириш тўғрисидаги битим ҳам савдонинг ўсишига туртки беради.

Технологик модернизацияга урғу берган ҳолда Саноат кооперациясини ривожлантириш дастури тайёрланди. Шу маънода, Словения етакчи компанияларининг Ўзбекистонда электротехника, ускунасозлик, фармацевтика, «яшил» энергетика, «акли» қишлоқ хўжалиги соҳаларида лойиҳаларни амалга ошириш борасидаги интилишлари қўллаб-қувватланди.

Бундай ишлаб чиқаришларни мамлакатимизда «Ипрак» бошқарувида Европа компаниялари учун ташкил этилаётган махсус саноат паркида жойлаштириш таклиф этилди.

Меҳнат миграцияси соҳасида тизимли ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида доимий фаолият юритувчи экспертлар гуруҳини тузиш ва зарур норматив-ҳуқуқий базани тайёрлашга келишиб олинди.

Шунингдек, икки мамлакат ўртасида тўғридан-тўғри авиақатновларни йўлга қўйиш ва ўзбек маҳсулотларининг Европа Иттифоқи бозорига чиқиши учун «Копер» порти инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини биргаликда ўрганишга келишиб олинди.

Маданий-гуманитар алмашинуви кенгайтириш масалалари музокараларнинг алоҳида мавзуси бўлди. Экологик туризмни, шу жумладан, тоғли ва қишлоқ ҳудудларида ривожлантириш бўйича Словения тажрибасига алоҳида қизиқиш билдирилди.

Эришилган келишувлар ва имзоланган битимларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш мақсадида икки мамлакат ҳукуматлари томонидан кенг қамровли «Йўл харитаси» қабул қилинади.

Учрашув якунида давлатимиз раҳбари Словения Бош вазири Роберт Голобни ўзи учун қулай вақтда Ўзбекистонга ташрифи билан келишга таклиф этди.

Любляна шаҳрида бўлиб ўтган музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Словения Республикаси Бош вазири Роберт Голоб Қўшма баёнот имзолادилар.

Улар ҳузурида икки томонлама ҳужжатларни алмашиш маросими бўлиб ўтди. Булар:

— дипломатик паспорт эгаларини виза талабларидан озод қилиш тўғрисида;

— таълим, фан ва маданият соҳаларидаги ҳамкорлик тўғрисида;

— транспорт ва логистика соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида;

— «акли» шахарларни бошқариш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида;

— стандартлаштириш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида;

— сув ресурсларини бошқариш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида;

— туризм соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битимлар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Словения Миллий ассамблеяси Раиси Уршка Клакочар-Зупанич билан учрашув ўтказди.

Ўзбекистон билан Словения ўртасидаги кўп қиррали муносабатларни, шу жумладан, икки мамлакат парламентлари даражасида янада ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Кейинги йилларда парламент-

лараро алмашинувлар фаоллашгани мамнуният билан қайд этилди. Жорий йил апрель ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Парламентлараро Иттифокнинг 150-юбилей ассамблеясида Словения Миллий ассамблеяси комиссияси раиси Предраг Бакович иштирок этди. Икки мамлакат парламентларида «дўстлик гуруҳлари» ташкил этилган.

Қўшма лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ва жадаллаштириш учун соҳавий кўмиталар даражасида парламентлараро ҳамкорлик муҳимлиги қайд этилди.

Бундан ташқари, гуманитар ҳамкорликни қўллаб-қувватлашда, жумладан, маданият ва кино кунлари, кўргазмалар ўтказиш, олий таълим муассасалари ўртасида академик алмашинувларни ривожлантиришда парламентларнинг кўмаги зарурлиги қайд этилди.

Шунингдек, халқаро парламент ташкилотлари доирасида ташаббусларни мувофиқлаштириш ва ўзаро қўллаб-қувватлаш кучайтирилади.

Биринчи Ўзбекистон — Словения парламентлараро форумини депутатлар ва экспертлар ҳамжамияти иштирокида Самарқанд шаҳрида ўтказиш таклиф қилинди.

Парламентлар ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича қўшма «Йўл харитаси»ни қабул қилишга келишиб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Словения Республикаси Президенти Наташа Пирц Мусар билан биргаликда қўшма бизнес форумида иштирок этди.

Тадбирда икки мамлакатнинг 100 дан ортиқ етакчи саноат ва савдо корхоналари раҳбарлари ҳамда вакиллари қатнашди.

Словения делегацияси «KRKA», «Duol», «Емо Frite», «Panvita», «Medex», «Tajfun Planina», «Altado», «UVC Solutions», «Riko» ва бошқа қўллаб-қувватлаш иборат бўлди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида бугунги олий даражадаги самарали музокаралар Ўзбекистон — Словения муносабатларида, энг аввало, савдо-иқтисодий ва инвестициявий соҳаларда янги саҳифа очганини таъкидлади.

Жаҳон иқтисодиётидаги ҳозирги мурраккаб даврда ўзаро савдони кўпайтириш, кооперация қўламини кенгайти-

риш ва миллий иқтисодиётларни диверсификация қилиш учун мавжуд имкониятлардан фойдаланиш муҳим экани қайд этилди.

Икки мамлакат иқтисодиёти бир-бирини тўлдирishi мумкин бўлган тармоқларда Саноат кооперациясини ривожлантириш дастурини қабул қилиш муҳимлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Президенти иқтисодий шериклики янада ривожлантиришнинг муҳим йўналишларини кўрсатиб ўтди.

Фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, электротехника жиҳозлари, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, мева-сабзавотларни сақлаш ва қайта ишлаш, «яшил» энергетика объекти-ларини қуриш ва модернизация қилиш шулар жумласидан.

Транспорт жиҳатидан ўзаро боғлиқликни, шу жумладан, Словениянинг «Копер» порти имкониятларидан фойдаланиш ва икки мамлакат ўртасида тўғридан-тўғри авиақатновларни йўлга қўйиш орқали ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистонда Словения фуқаролари учун жорий этилган визасиз тартиб ишбилармонлик, гуманитар ва сайёҳлик алмашинувларини ривожлантиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Ўзбекистон етакчиси учрашув иштирокчиларининг эътиборини мамлакатимизда Европа компаниялари учун ташкил этилаётган махсус саноат паркига қаратди. У Словения компанияларини ушбу махсус зонанинг биринчи резидентлари бўлишга таклиф қилди.

Давлатимиз раҳбари Словения ишбилармон доиралари Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли шериклики ривожлантиришга қизиқиш билдириб, аниқ таклиф ва режаларини илгари сурганларини юксак баҳоланди.

Яқунда Президентлар ҳузурида икки томонлама савдо-иқтисодий ва инвестициявий битимларни алмашиш маросими бўлди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Словения Республикасига расмий ташрифи якунланди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати суратлари.

Азиз САНЖАР: Алишер Навоий номидаги мукофот мен учун Нобель мукофоти каби азиз ва қадрлидир

Венгрия пойтахти Будапешт шаҳрида бўлиб ўтган Туркий давлатлар ташкилотининг норасмий саммитида, асли туркиялик олим Нобель мукофоти соҳиби, Ўзбекистон Миллий университети фахрий доктори, Самарқанд давлат университетининг фахрий профессори, менинг дўстим Азиз Санжар жаноби олийлари туркий дунё бирлигига қўшган ҳиссаси учун Алишер Навоий номидаги халқаро мукофотга сазовор бўлди.

Ифтихор

Алишер Навоий номидаги халқаро мукофот Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2021 йил 12-но-

ябрь куни Истанбулда ўтказилган Туркий давлатлар ташкилотининг 8-саммитида таъсис этилган бўлиб, у туркий маданиятни тарғиб қилиш, тинчликни сақлаш, хавфсизликни таъминлаш, ўзаро ишончни мустаҳкамлаш, шунингдек, туркий халқлар

Жаҳон савдо ташкилотига аъзолик: МИЛЛИЙ МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДАГИ УЛУҒВОР ҚАДАМ

Нуктаи назар

Жаҳон савдо ташкилотига қачон аъзо бўламиз? Бу борадаги ишларни жадаллаштиришнинг имкони борми, яна нималар қилиш керак? Кейинги пайтда ушбу масалага тез-тез мурожаат қилиняпти. Чунки ЖСТга аъзоликка эришиш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг пировард мақсадиға ғамоҳанг.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 14 май куни Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёни ва уни жадаллаштириш чора-тадбирлари бўйича тақдимот билан танишуви чоғида ушбу мавзуга яна бир бор эътибор қаратилди.

Давлат раҳбарининг алоҳида назорати остида 2023 йилдан бошлаб ЖСТга аъзо бўлиш борасида қатъий чоралар кўриломоқда. Утган даврда кўп ва икки томонлама музокараларда муайян натижаларга эришилди. Жумладан, ишчи гуруҳининг тўртта муҳим йиғилиши ўткази-

либ, 500 дан ортиқ масалалар кўтарилди, 30 дан зиёд расмий ҳужжатлар ЖСТ Котибиятига тақдим этилди. Аъзоликни жадаллаштириш мақсадида соҳаларда тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, 33 та мамлакат билан бозорга кириш бўйича музокаралар олиб борилиб, бугунги кунга қадар 24 таси билан таҳлиллар якунланди. ЖСТ аъзолари билан мулоқотда янги ёндашув ва ислохотлар натижалари ижобий баҳоланмоқда.

Азиз САНЖАР:

Алишер Навоий номидаги мукофот мен учун Нобель мукофоти каби азиз ва қадрлидир

Самарқанд давлат университети фахрий профессори Азиз Санжар Алишер Навоий номидаги халқаро мукофотни олар экан, шундай деди:

“Туркияда туғилиб ўсган ҳар бир турк бугунги Ўзбекистон тупроқларини ҳам ўз ичига олган тарихий Ватан — Туркистонни ўзининг ота юрти деб ҳисоблайди. Бу юртга катта ҳурмат ва эътибор билан қарайди. Шу сабабли ота юртимиздан етишиб чиққан соҳибқирон Амир Темур, Ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Сино каби олимлар, Алишер Навоий, Бобур каби мутафаккир ва шоирларни ўзларининг улуг аждодлари сифатида билишади.

Алишер Навоий нафақат турк дунёси, балки жаҳон адабиётининг энг буюк шоиридир. Бундан қарийб 600 йил аввал яшаган бўлса-да, ўз асарлари ва фикрлари билан дунёга машҳур. У туркий маданият ва ижтимоий тафаккурнинг ривожига улкан ҳисса қўшган буюк мутафаккирдир.

Алишер Навоийнинг бетакор ижодий мерос Ер юзида дўстлик ва тенгликни ўрнатish, айниқса, у ўзи яшаган даврдаги турк дунёси бирлигини мустаҳкамлашга қаратилган эди. Унинг ўлмас ғоялари 500 йил кейин ҳам бугунги туркий дунёнинг бирлиги ва муштарак мақсадлар сари бирга ҳаракати учун хизмат қилмоқда.

Атоқли шоирнинг куйидаги сатрлари унинг юксак маънавий идеалини гўзал ифодалаган ва чуқур глобал бухронлар гирдобидида қолган жаҳон аҳли учун бир чақириқ каби жараңлайди:

Олам аҳли, билингизким,
иш эмас душманлиг,
Ёр ўлинг бир-бирингизгаким,
эрур ёрлиг иш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан таъсис этилган Алишер Навоий номидаги мукофотга муносиб деб топилганимдан жуда мамнунман.

Алишер Навоий номидаги мукофот мен учун Нобель мукофоти каби азиз ва қадрлидир.

Алишер Навоий каби даҳони тарбиялаб етиштирган қардош ўзбек халқига ҳар доим таъзимдаман.

Ўзбекистонга, Самарқандда, Самарқанд давлат университетига ҳар келганимда Ўзбекистонда, унинг олий таълим ва фан тизимида улкан ўзгаришлар юз бераётганининг гувоҳи бўламан.

Буюк ва бунёдкор халқдан, унинг йўлбошчиси — Президент Шавкат Мирзиёевдан жуда миннатдорман.

ҚОНУН ИЖРОСИ — ДАВР ТАЛАБИ

Кеча Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси мажлиси бўлиб ўтди.

Унда дастлаб сифатсиз йўл қуришнинг олдини олиш борасида парламент назоратини кучайтириш мақсадида Хоразм вилоятида амалга оширилаётган ишлар ҳамда вилоятда ўтказилган ўрганишлар натижаси бўйича Автомобиль йўллари қўмитаси раҳбарининг ахбороти эшитилди.

Сенат қўмитасида



Таъкидланганидек, қўмита томонидан тузилган ишчи гуруҳ аъзолари жорий йил 13 — 15 февраль кунлари Хоразм вилоятида маҳаллий йўлларнинг аҳолини ўрганди.

Вилоятда 2022 — 2024 йилларда 3 062 км. йўл ва 64 та кўприк қурилган, реконструкция қилинган ва таъмирлангани қайд этилди.

Бундан ташқари, “Ташаббусли бюджет” доирасида 2022 — 2024 йилларда 140 та лойиҳа учун 131,3 млрд. сўм ажратилган ҳамда 193,2 км. йўллар таъмирланган.

Бироқ аҳоли билан ўтказилган мулоқотлар, жойлардаги ўрганишлар, тармоққа оид қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг таҳлили автомобил йўлларини қуриш ҳамда таъмирлашда вилоятда тизимли муаммо ҳамда камчиликлар мавжудлигини кўрсатди.

Жумладан, бугунги кунда вилоятдаги 9 025 км. умумий фойдаланишдаги ҳамда ички хўжаликлараро йўлларнинг 3 017 км. қисми ёки 33,3 фоизи таъмирталаб ҳолатга келиб қолган.

Вилоятдаги 1 612 та кўприkning 648 таси ёки 40 фоизи таъмирталаб бўлса, 213 таси ёки 13 фоизи ярқис ва авария ҳолатида.

Молиялаштиришнинг етарли даражада эмаслиги ва белгиланган меъёрдан ортқ юк ташилаётгани асосий муаммолардан бири сифатида кўрсатилди.

Масалан, 2024 йилда талаб этиладиган маблағнинг фақат 26 фоизи ажратилган, юк машиналарининг қарийб 30 фоизи меъёрдан ортқ юк билан ҳаракатланган.

Ўзбекистоннинг муқаддас номи янада юксак оҳангларда жаранглаши учун қўлимдан келган барча ишларни бажаришга тайёрман”.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ва халқимиз шаънига билдирилган бу самимий тилаклар ҳар биримизга фахр-ифтихор бағишлайди. Алишер Навоий номидаги халқаро мукофот ва мазкур мартабага сазовор бўлган шахслар Ўзбекистон учун, ўзбекистонликлар учун ғоятда қадрли ва азиздир.

Азиз Санжар ва Самарқанд давлат университети ўртасидаги муносабатларнинг ҳам ўз тарихи бор, албатта.

2018 йил 14 октябрь. Бу сана Самарқанд давлат университети тарихига олтин ҳарфлар билан ёзилган. Айнан шу кунни Азиз Санжарнинг СамДУга илк ташрифи бўлиб ўтган. Ташриф доирасида Азиз Санжарга Самарқанд давлат университети фахрий профессори унвони берилган эди.

Азиз Санжар бу қисқа мулоқотдан қониқмаганини айтиб, Самарқанд тупроғини, Мирзо Улуғбек хоқини, Алишер Навоий изларини кўзига суртиш учун яна Самарқандга келишини алоҳида таъкидлаган эди.

2021 йил 21 сентябрь. Самарқанд давлат университети кўни муносабати билан Нобель мукофоти соҳиби Азиз Санжар иккинчи мартабага университетимизга ташриф буюрди. У профессор-ўқитувчиларимиз ва талабаларимиз билан яқиндан мулоқот қилди, маърузалар ўқиди. Хулоса эса шундай бўлди: “Барибир Самарқанднинг дийдорига тўймадим”.

2023 йил 29 апрель. Азиз Санжар Самарқанд давлат университети Биокимё институтининг очилиш маросимида қатнашиш учун учинчи мартабага СамДУга ташриф буюрди. Буюк олимнинг бу сафари етти кун давом этгани билан алоҳида эътиборга молик.

Азиз Санжар Самарқандда кечган кунларининг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланишга интилди. Биокимё институтида ташкил қилинган Нобель мукофоти соҳиби Азиз Санжар номидаги Замонавий таҳлил усуллари илмий лабораториясини шахсан очиб берди. Мазкур даргоҳа унинг номи берилганидан фахрланганини алоҳида қайд этди.

Лабораториядаги илк тажриба ишларида Самарқанд давлат университети талабалари, профессор-ўқитувчилари ҳамда Азиз Санжарнинг ўзи иштирок этди. У талабалар учун махсус маърузалар ташкил қилди, профессор-ўқитувчилар билан илмий ҳамкорлик масалалари бўйича суҳбатлар олиб борди. Самарқанд давлат университетида таъсис этилган Азиз Санжар номидаги стипендияни унинг илк эгаси — СамДУ талабаси Комила Бебитовага топширди.

Азиз Санжарнинг Самарқанд давлат университетига уюштирган ушбу сафарида унга туркиялик таниқли журналист Мухаммад Рўзйобий ҳамроҳлик қилди. У бу сафар таассуротлари ҳақида “Азиз Санжар билан 7 кун” номли китоб ёзиб, турк ва ўзбек тилларида нашр эттирди.

2024 йил 15 август. Азиз Санжар Самарқанд давлат университети муассислигида чоп қилинаётган “Самарқандим” журналининг нишона



сонига юборган табригиди шундай деган эди: “Мен Самарқандни, Самарқанд давлат университетини яхши кўриб қолдим, соғинадиган бўлдим. Туркияда туғилганман, Америкада яшайман. Лекин Самарқанд мени бутунлай мафтун этди. Қисқа вақт ичида Самарқанд давлат университетидида уч мартаба бўлдим. Ишонч билан айтаманки, инсоният Самарқанддаги сокинлиқни, сир-синоатни бошқа бирор манзилдан топа олмайди. Самарқандга ҳар гал келганимда Сиеб бозорига албатта бораман. Биласизми, у ерга мени нима чорлайди? Ер юзининг бирор жойида йўқ Самарқанд нонининг ҳиди, самарқандлик содда ва самимий инсонлар қалби. Мен Самарқандга сафаримни Улугбек қабри зиёратидан бошлайман. Мен учун Самарқанд — бу Мирзо Улуғбекдир”.

2025 йил 8 апрель. “Азиз Санжар билан 7 кун. Буюк олим билан ота юртга саёҳат” номли китоб ўзбекча нашрининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Мазкур китоб байрамида туркиялик машҳур журналист, асар муаллифи Мухаммад Рўзйобий ҳам иштирок этди.

Қадрдон дўстим, ҳамкорим, ҳамфикрим Азиз Санжар жанобларини туркий халқларнинг буюк шоири, мутафаккири, давлат арбоби, фарҳифтшори Алишер Навоий номидаги халқаро мукофот билан самимий муборакбод этаман. Тез кунларда яна Самарқанд давлат университетида дийдор кўришишдан умидворман.

Рустам ХОЛМУРДОВ,
Самарқанд давлат университети ректори,
Ўзбекистон Республикаси фан арбоби,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

Сессия

Маҳаллий Кенгашлар ўзаро тажриба алмашмоқда

Жорий йилнинг 16 — 19 май кунлари халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгаши депутатлари ва котибиат мудириларидан иборат делегация ўзаро тажриба алмашмиш мақсадида Тошкент вилоятида бўлди.

Ундан қўзланган мақсад вилоятлараро ҳамкорлиқни янада мустаҳкамлаш, маҳаллий Кенгашлар фаолиятини тақомиллаштириш ва доимий комиссиялар иш самарадорлигини ошириш, шунингдек, ўзаро тажриба алмаштириш.

Делегация аъзолари Олмалик шаҳар Кенгаши, “Маҳалла еттилиги”, Ёшлар парламенти вакиллари мактаби фаолияти билан танишдилар ва депутатларнинг сайловчилар билан очик мулоқоти бўйича тажриба алмаштиришди.

Шунингдек, Андижон вилояти Кенгаши депутатлари ва Кенгаш котибиати вакиллари Олмалик шаҳридаги бир қатор муассасаларда, шу жумладан, “Олмалик КМК” АЖга қарашли Қалмоққир кони, мис бойитиш фабрикаси, “Металлург” маданият саройи,

Мухандислар мактабида бўлди ва уларнинг фаолияти билан яқиндан танишдилар. Бундан ташқари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари вилоят ҳокими З. Мирзоев билан биргаликда Депутатлар боғи ҳамда Нурафшон шахридаги қурилиш объекти билан танишиб, яқунда халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг сайёр сессиясида иштирок этдилар.

Сессияда Вазирлар Маҳкамасининг Оққўрғон туманида 2024-2025 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир қарорининг жорий йил биринчи чорадаги ижроси ва кун тартибидидаги масала юзасидан масъулларнинг ҳисоботи эшитилиб, танқидий таҳлилий рўйхат муҳокама қилинди.

«Халқ сўзи».

Меҳнат миграцияси ва инвестиция соҳалари атрофлича ўрганилди

Сенатнинг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси ҳузурида тузилган ишчи гуруҳ Самарқанд вилоятида меҳнат миграцияси жараёнларини тартибга солиш борасида амалга оширилаётган ишлар, шунингдек, инвестиция лойиҳаларининг татбиқ этилиши ҳолати ҳамда мавжуд муаммоларни бартараф қилиш борасида қўрилаётган чоралар самарадорлигини ўрганди.

Сенаторлар — ҳудудларда

Хусусан, ҳудудда меҳнат миграцияси жараёнларини бошқариш тизимининг самарадорлигини кўтариш, чет элда меҳнат фаолиятини амалга ошириш истагида бўлган фуқароларга қулай шарт-шароитлар яратиш, меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахсларни реинтеграция қилиш (уларнинг бандлигини таъминлаш, касбий малакасини ошириш ва тадбиркорлик ташаббусларини рағбатлантириш) борасидаги ишлар ҳолати таҳлил этилди.

Маълумотларга кўра ҳудудда охириги икки йилда ташкиллаштирилган ҳолда 33 мингдан ортқ кишилар ривожланган давлатларга ишлаш учун юборилган.

Айрим фуқаролар мустақил равиш-

да хорижий давлатларга бориб келмоқда. Уларнинг меҳнат ва яшаш шароитлари, касби, даромади турли даражада.

Давлатимиз раҳбари соҳада фуқароларга қулайликлар яратиш, меҳнат миграциясидан қайтган шахсларнинг бандлигини таъминлаш вазифаларини белгиланган эди. Шу боис касбий малакаси йўқ ва тил билмайдиган фуқароларни касбга ўқитиш ҳамда профессионал таълим ташкилотларида мақсадли тайёрлаш йўлга қўйилган.

Жумладан, вилоятда 24,3 минг фуқаро турли касблар ва хорижий тилларга ўқитилган. Шундан чет элда ишлаш истагида бўлган 10635 нафар фуқаронинг 9638 нафари 24 турдаги

Қўмиталар ҳафта ичида

АҲОЛИ АРЗОН ВА СИФАТЛИ ДОРИ ВОСИТАЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан “Адолат” СДП фракцияси билан ҳамкорликда “Аҳолини арзон ва сифатли дори воситалари билан таъминлаш — давр талаби” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.



Мамлакатимизда аҳолини дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббий техника билан таъминлаш тизимини тақомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Аҳоли ва соғлиқни сақлаш муассасаларини арзон фармацевтика маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш, фармацевтика тармоғини ривожлантиришга қаратилган 50 га яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”ги Қонуни янги таҳрирда, 2020 — 2024 йилларда Ўзбекистон Республикасининг фармацевтика тармоғини ривожлантириш концепцияси қабул қилинди. Концепция доирасида ҳар

йили 300 турдаги янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш жорий этилди. Натижада ўтган йилларда стоматология, онкология, токсикология ҳамда пульмонология гуруҳларига кирувчи дори воситаларини маҳаллийлаштириш даражаси ошди.

Тадбирда қатнашган мутахассислар ва экспертлар томонидан соҳада эришилаётган ютуқлар алоҳида урғулашиб, мавжуд муаммолар, уларни бартараф этиш масалалари атрофлича муҳокама қилинди. Дори воситалари бозорида очиклик ва шаффофликни таъминлаш, нархларни тартибга солиш, миллий ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш, давлат хараидларида очиклик ва рақобат муҳитини шакллантириш

муҳим эканлиги таъкидланди.

Депутатлар аҳолининг дори воситаларига бўлган эҳтиёжларини қондириш, қўндалик шарт-шароитдан келиб чиққан ҳолда қонун ва қонуности ҳужжатларининг ижросини мунтазам ўрганиб бориш, амалиётда юзага келаётган муаммоларни, ўз ечимини кутаётган масалаларни бартараф этиш, соҳани янада ривожлантириш ва тақомиллаштириш бўйича бир қатор тақлифлар беришди.

Давра суҳбати якунида фармацевтика соҳасини ривожлантириш бўйича қабул қилинган қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ҳаётга татбиқ этиш, уларнинг ижросини самарали ташкиллаштириш юзасидан аниқ режалар ишлаб чиқилди.

ТАЛАБАЛАРНИ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯГА ЖАЛБ ҚИЛИШ ИШЛАРИ ЯНАДА КЕНГАЯДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон “Миллий тикланиш” ДП фракцияси ҳамда Фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар масалалари қўмитаси томонидан Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг “Олий таълим муассасаларида спорт йўналишлари бўйича ажратилган квоталар, педагогик таркиб ва таълим сифатини ошириш борасидаги ишлар тўғрисида”ги ахбороти эшитилди.

Давлатимиз раҳбари расидаги шу йил 13 февраль кунли олимпия ва паралимпия ҳаракати, ихтисослаштирилган ва оммавий спортни янги босқичга олиб чиқиш ҳамда аҳоли жисмоний фаолигини ошириш чора-тадбирлари бўйича ўтказилган видеобу йўналишида ушбу йўналишдаги ишлар таҳлил қилиниб, соҳа истиқболлига қаратилган муҳим вазифалар белгиланган эди.

Бугунги кунда вазирлик томонидан оммавий спорт мусобақаларини янада кенгайтириш, уларни юқори савияда ўтказиш учун спорт иншоотларини жиҳозлар билан таъминлаш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ахборотда келтирилишича, айни пайтда 201 та олий таълим муассасасида 138 та жисмоний тарбия ва спорт кассисси, 114 та спорт клуби, 74 та спорт бўлими, 835 та очик майдон ва спорт иншоотлари, 995 та ёпиқ майдон ва спорт иншоотлари бор.

Жисмоний тарбия ва спорт кафедраларида 1470 нафар профессор-ўқитувчи, спорт клубларида 389 нафар тренер, мутахассис фаолият кўришти келмоқда. Қолаверса, олий таълим муассасаларида кафедра ва спорт клубларидан ташқари йўналишни мувофиқлаштирувчи бўлимларда 147 на-

фар тренер-мутахассис ишламоқда. Ҳозирги кунда талабалар ўртасида бир қатор спорт мусобақалари мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Депутатлар вазирлик томонидан амалга оширилган ишларни эътироф этиб, талабалар спортини ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича айрим муаммолар борлигини қайд этдилар. Хусусан, айрим олий таълим муассасалари талабалари сонига мос равишда спорт майдонлари ва жиҳозлар билан таъминланмагани, ўтказилаётган мусобақаларда санокли спортчи талабаларни қайта жалб этиш ҳолатлари учраётгани, бошқа талабаларни эса қамраб олиш чоралари кўрилмагани, уларнинг тизимли ҳисоби рақамлаштирилмагани, республика мусобақаларида олий таълим муассасаларининг 72 фоизи қатнашаётгани танқид остига олинди.

Қизгин муҳокамадор давомидида талабалар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ёшларни спортга кенг жалб этиш бўйича бир қатор тақлифлар берилди. Жумладан, республикадаги ҳар бир олий таълим муассасаларида устувор, истиқболли ва ривожланаётган олимпия спорт турлари

бўйича камида 3 тадан спорт бўлимида (туридан) иборат спорт клублари ташкил қилиш лозимлиги таъкидланди.

Олий таълим муассасаларини спорт федерациялари, спорт ва умумтаълим мактаблари, техникумлар залларига, уларга эса 26 та олимпия спорт турлари бўйича федерацияларни бириктириб, ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш зарурилги урғуланди. Шу билан бирга, талабалар учун барча спорт клубларини бирлаштирадиган рақамли платформа ва мобил иловалар яратиш, олий таълимдаги барча йўналишга биринчи босқичда Жисмоний тарбия фанини факультатив курс сифатида киритиш ҳамда бўлимлар ташкил этиш кераклиги айтилди.

Депутатлар олий таълим муассасаларида спорт йўналишлари бўйича ҳар йили ажратиладиган квоталардан самарали фойдаланиш, педагогик таркиб ва таълим сифатини оширишни замон талаблари асосида тақомиллаштириш бўйича бир қатор тақлиф ва тавсиялар бердилар.

Халқ вакилларининг фикрича, оммавий спортни ривожлантириш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш масаласини қонун даражасида мустаҳкамлаб қўйиш зарур. Бунда Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонуни тудан қайта қўриб чиқиб, бугунги замон талабларига мослаштириш кераклиги қайд этилди.

Яқунда кун тартибидидаги масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

хожирликдан қайтган шахслар ва уларнинг оила аъзоларини бепул тиббий қўриқдан ўтказмоқда. “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари томонидан ота-онаси хорижда меҳнат қилаётган болаларга ижтимоий ёрдам кўрсатилмоқда.

Сенаторлар ўрганишлар давомидида ушбу тизимни самарали йўлга қўйиш, фуқароларга сифатли хизмат кўрсатиш, бандлиқни ошириш бўйича тавсиялар беришди.

Шунингдек, ҳудудда инвестиция лойиҳаларининг татбиқ этилиши ҳамда мавжуд муаммоларни бартараф қилиш борасида қўрилаётган чоралар самарадорлиги ҳам ўрганилди.

Хусусан, жорий йилда вилоятда давлат дастури асосида умумий қиймати 3,9 млрд. АҚШ долларига тенг хорижий инвестиция иштирокидаги 108 та корхонани ишга тушириш белгиланган. Биринчи чорак якуни билан вилоятда 330,6 млн. АҚШ доллари миқдоридида хорижий инвестиция маблағлари ўзлаштирилиб, режа 107 фоизга бажарилган.

Сенаторлар Самарқанд мамлакат марказида жойлашган, савдо, саноат, туризм, транспорт ва аграр соҳалар яхши ривожланган ҳудудлигини инобатга олиб мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш заруриллигига эътибор қаратдилар.

«Халқ сўзи».

«Дунё» АА.

«Ўзэкспомарказ» павильонларида Халқаро Чжэцзян кўргазмаси бўлиб ўтмоқда.

«ОСМОНИ ФАЛАКЛАРДА»

Пойтахтимизда таниқли ёзувчи Хайриддин Султон қаламига мансуб шу номдаги китобнинг тақдимоти бўлиб ўтди

Бугунги кунда янги Ўзбекистонда муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида барча жабҳалар қатори илм-фан, таълим-тарбия, маданият, санъат ва адабиёт, жумладан, китоб ва китобхонлик масалаларига юксак эътибор қаратилаётгани жамоатчилигимизга яхши маълум. Хусусан, жамиятимизда аҳолининг маданий савияси ва муталаа маданиятини юксалтиришга доир муҳим ҳужжатлар ижросини таъминлаш юзасидан бошланган катта ишлар, миллий дастурлар изчил давом эттирилмоқда.

Ёшлар орасида китобхонлиқни ривожлантириш ва тарғиб қилиш вазифаси «Ўзбекистон — 2030» стратегиясининг асосий мақсадларидан бири сифатида белгилангани ҳам ушбу масалага қанчалик жиддий эътибор қаратилаётганини кўрсатади.

Айни шу эзгу мақсадда мамлакатимиз миқёсида «Ёш китобхон», «Зуқко китобхон», «Ёш китобхон оила» сингари қизиқарли танловлар, «Ёшлар учун минг китоб», «Маърифат улашиб», «Китоб қаровони» акциялари, китоб байрамлари ва ярмаркалари мунтазам ташкил қилинмоқда.

Яқинда Фарғона вилоятида Халқаро китобхонлик фестивали юксак савияда уюштирилиб, унда дунёнинг 50 дан ортиқ мамлакатларидан китобсеварлар, таниқли шоир ва ёзувчилар, зиёлилар иштирок этгани яна бир муҳим воқеа бўлди.

Хозирги кунда республикамызда 600 дан зиёд нашриётлар, 700 га яқин китоб дўконлари, шу билан бирга, китоб етказиб бериш хизматлари ҳамда онлайн савдо платформалари фаолият юритмоқда.

Буларнинг барчаси Ўзбекистонда китобхонлик давлат эътиборидидаги муҳим масала бўлиб, муталаа маданиятини юксалтириш умуммиллий ҳаракатга айланаётганидан далолат беради.

Айни пайтда замонавий ўзбек адабиёти ҳам сезиларли юксалиш босқичига қадам қўйганини яратилаётган янги-янги бадиий асарлар мисолида кўриш мумкин.

Куни кеча пойтахтимиздаги муҳташам «Ренессанс» санъат саройида мана шундай узига хос асарлардан бири — «Осмони фалакларда» номли янги китоб тақдимоти бўлиб ўтди.

Таниқли ёзувчи Хайриддин Султон қаламига мансуб ушбу китоб ўзбек адабиётида деярли ёритилмаган мавзу — учувчилар ҳаётига бағишланади. Мажозий маънода «само лочинлари» деб аталадиган машаққатли касб эгаларининг мунтазам мардлик ва матонат талаб этадиган фаолияти, уларнинг фаёққулдода ҳолатлариди қалб кечинмалари, қатъият ва иродаси, севги ва бурча садоқат туйғулари чуқур драматизм билан тасвирланади.

Кутилмаган, шиддатли воқеаларга бой, кескин сюжет йўналишига эга ҳикояларда бош қаҳрамонларнинг маънавий жасорати ва инсоний оқилликлари, одамзод руҳиятининг силри жумбоқлари бетакрор ҳаракатлар тисмолида намён бўлади.

Тақдимот маросимига буюк адибимиз Абдулла Қодирийнинг: «Модомки, биз янги даврга оёқ қўйдик, бас, биз ҳар бир йўсунда ҳам шу янги даврнинг янгиликлари кетидан эргашамиз ва янгиришга ўзимизда мажбурият ҳис этамиз», деган сўзлари бош гоим сифатида танланганида чуқур раъзий маъно бор.

Тадбир биз ўрганган, кўнкан одатдаги китоб тақдимотларидан мутлақо бошқача, янгича шакл ва ноанъанавий йўсинда ташкил этилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Театрлаштирилган сахналар, насрий, шеърый ва муסיқий талқинлар, кинолавҳалар ййигиланларда унутилмас таассурот қолдирди.

Тақдимот Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Маданият вазирлиги, Кинематография агентлиги, Маънавият ва маърифат маркази, «Uzbekistan airways» АЖ ва Бадиий академия ҳамкорлигида ташкил этилди.

Мавзу ва воқелика ёндашув, шакл-шамойил жиҳатдан янгича талқинга эга ушбу китоб «Адабиёт» нашриёти томонидан чоп этилган.

«Халқ сўзи».

РЕКЛАМА

Сирдарё вилоятининг Мирзаобод тумани Мактабгача ва мактаб таълими бўлими тендер эълон қилади

Президентимизнинг 2025 йил 6 мартдаги ПК-93- қарори ҳамда Сирдарё вилояти Давлат мулк объектларидан самарали фойдаланиш марказининг шу йил 20 майдаги 4-қарори ижросини таъминлаш мақсадида Сирдарё вилоятининг Мирзаобод туманидаги Мактабгача ва мактаб таълими бўлими 25-мактабнинг эски, яроқсиз биносини демонтаж қилиш учун барча МЧЖ раҳбарларини тижорат тақлифи билан ёпиқ конверт орқали тендер танловига қатнашишга қақиради.

Манзил: Сирдарё вилояти, Мирзаобод туманидаги Мактабгача ва мактаб таълими биноси.
Мўлжал: Мирзаобод тумани ҳокимлиги биноси орқасида. Уч қаватли бионинг 2-қавати.
Тендер ўтказиладиган сана: 23 май соат 15:00.
Мурожаат учун телефонлар: 94-352-51-52; 67-310-13-88.



Жаҳон савдо ташкипотига аъзолик.

МИЛЛИЙ МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДАГИ УЛУҒВОР ҚАДАМ

Бу, ўз навбатида, Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиш жараёнида очкилик, шаффофлик ва адолатли савдога бўлган қатъий интилишини тасдиқлайди. Шу маънода, миллий қонунчиликни ташкилот талабларига уйғунлаштириш доирасида кенг қўламли ҳуқуқий ва институционал ислохотлар амалга оширилди. Хусусан, 13 та қонун, Президентнинг 10 та Фармон ва қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 19 та қарори ва 10 та идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжат имзоланди. Жумладан, божхона тартиботлари, экспорт-импорт қоидалари ҳамда интеллектуал мулк соҳасидаги механизмлар босқичма-босқич ЖСТ стандартларига мослаштирилди, давлат улуши мавжуд бўлган 6 та корхонада эксклюзив ҳуқуқлар бекор қилинди.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари томонидан ЖСТга аъзо бўлиш жараёнини жадаллаштириш ҳамда уни сифатли ва тизимли ташкил этиш юзасидан тегишли топшириқлар берилди. Унга кўра жорий йилда қолган 9 та мамлакат билан икки томонлама музокараларни якунлаш, ишчи гуруҳининг 2 та йиғилишини ўтказиш ҳамда унинг ҳисобот лойиҳасини якунлаш орқали Ўзбекистоннинг ЖСТ доирасидаги мажбуриятларини тўлиқ шакллантириш вазифалари аниқ белгилаб берилди. Шунингдек, қонунчиликни ташкилот талабларига мослаштириш доирасида 15 га яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш жараёнини жадаллаштириш зарур.

Жумладан, «Озик-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида», «Муҳофиза чоралари, антидемпинг ва компенсация божлари тўғрисида» янги тахрирдаги қонунларни қабул қилишни тезлаштириш ҳамда бу борада Олий Мажлис Қонунчилик палатаси билан ақайдан ва самарали ҳамкорликни таъминлаш Президент томонидан муҳим вазифа сифатида белгилаб берилди. Техник жиҳатдан тартибга солиш, санитария, фитосанитария ва ветеринария соҳаларини ислох этиш, ушбу йўналишларда кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш ҳам устувор вазифалардан.

Жумладан, «Озик-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида», «Муҳофиза чоралари, антидемпинг ва компенсация божлари тўғрисида» янги тахрирдаги қонунларни қабул қилишни тезлаштириш ҳамда бу борада Олий Мажлис Қонунчилик палатаси билан ақайдан ва самарали ҳамкорликни таъминлаш Президент томонидан муҳим вазифа сифатида белгилаб берилди. Техник жиҳатдан тартибга солиш, санитария, фитосанитария ва ветеринария соҳаларини ислох этиш, ушбу йўналишларда кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш ҳам устувор вазифалардан.

Экспорт ва импорт географияси кенгайди

Халқаро савдони либераллаштириш, савдо ва сиёсий муносабатларни тартибга солиш билан шуғулланадиган ЖСТга аъзолик Ўзбекистон учун бир қатор ижобий натижаларни беради. Биринчидан, ЖСТга аъзо 160 дан ортиқ давлатлар билан савдо алоқаларини ривожлантириш, экспорт ва импорт географиясини кенгайтириш имконияти пайдо бўлади. Бу эса, ўз навбатида, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун янги бозорлар очиб, рақобатбардошлиқни оширишда қўлайликлар яратади.

Иккинчидан, аъзолик инвестиция муҳитини яхшилаш гарови ҳамдир. ЖСТ талабларига мувофиқ иқтисодий ва ҳуқуқий ислохотларнинг амалга оширилиши хорижий инвесторлар учун қўлай шароит яратади. Инвестицияларнинг жалб этилиши эса ишлаб чиқаришнинг модернизацияси, янги иш ўринларининг яратилиши ва иқтисодий ўсишга хизмат қилади.

Учинчидан, нуфузли тузилмага аъзолик иқтисодий барқарорлиқни таъминлашга қўмаклашади. ЖСТга аъзолик мамлакат иқтисодий сиёсатининг шаффофлиги ва халқаро стандартларга мувофиқлигини таъминлайди. Бу эса иқтисодий барқарорлиқни мустаҳкамлаб, жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий таъсирини камайтиради.

Тўртинчидан, рақобат муҳитини шакллантиришга, монополияга барҳам беришга, коррупцияга ва «яширин иқтисодиёт»га қарши курашда катта самара беради. Бинобарин, ЖСТ қоидаларига биноан, ички бозорни монополиядан ҳалос этиш ва рақобат муҳитини ривожлантиришга қаратилган чоралар кўрилади. Бу эса истеъмолчилар учун сифатли маҳсулот ва хизмат-

аъзолик бўйича тарғибот ишлари олиб борилмоқда.

Монополияга чек қўяди

Яна бир гап. Жаҳон савдо ташкилотининг учта муҳим тамойили мавжуд. Биринчиси, халқаро савдони либераллаштириш ҳисобланади. Иккинчиси, ташкилотга аъзо мамлакатлар ўртасидаги савдо битимларининг ошқора бўлишини таъминлаш. Учинчиси, мамлакатлараро рақобат муҳитини ташкил қилиш. Яъни ушбу ташкилот мамлакат ичидagi монополист компаниялар ва протектианизм сиёсатига барҳам берувчи ҳисобланади. Бу талабнинг аҳамиятли томони шундаки, биринчи навбатда, аъзоликка кирмоқчи давлатнинг иқтисодиёти эркин ва жаҳон бозори учун эшиклар очиб қўйишга ёрдам беради. Давлатнинг иқтисодиётга аралашувини камайтиради.

Чунки мамлакатда монопол компаниялар кўп бўлса, бу истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини чеклайди. Қаерда монополия бўлса, ўша ерда сифатсиз маҳсулот кўпайиб кета-

“Агар Ўзбекистон ЖСТга олдинроқ аъзо бўлганида эди, ҳозир аҳолининг турмуш тарзи мутлақо ўзгача бўлар эди. Ўзбекистон ташкилотга қўшилгач, бизнинг бозорларимизга арзон ва сифатли маҳсулотлар кириб кела бошлайди. Халқимизда танлов имкониятлари кенгайди.”

ларнинг танловини кенгайтириб, нархларнинг асоссиз ўсишига йўл қўймайди. Бироқ ЖСТга аъзо бўлиш жараёни осон кечмайди. Унинг ўзига яраша талаблари бор. Яъни қонунчиликни ЖСТ талабларига мувофиқлаштиришда адашмаслигимиз керак.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, бу йўлда қонунчиликка тегишли ўзгартришлар киритилди. Бу мураккаб ва вақт талаб этадиган жараён, албатта. Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлигини ошириш навбатдаги талаблардан биридир. Жаҳон бозоридида рақобатга дош бериш учун маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг сифат стандартларини ошириш ва экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш лозим. ЖСТга аъзоликнинг афзалликлари ва муаммолари ҳақида аҳолини ҳабардор қилиш, уларни қўллаб-қувватлашни таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Бу муаммолар ечими учун Ўзбекистон қатор чораларни кўрмоқда. Қонунчиликни ислох этиш бўйича аниқ режалар ишлаб чиқилган. ЖСТ талабларига мувофиқ қонунларни ўзгартриш ва янгиларини қабул қилиш жараёни жадаллашган. Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш дастурлари амалга оширилмоқда. Имтиёзли кредитлар, солиқ энгилликлари ва экспортни қўллаб-қувватлаш механизмлари жорий этилган. ЖСТга

ди. Монополия шароитида талабни ишлаб чиқарувчи кўяди. Шу нуктаи назардан конституциявий ислохотлар ўтказилаётган кезларда Асосий Қонуннинг 67-моддасига янги бир ўзгартириш киритилди. Унга кўра давлат қўлай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини таъминлайди. Тадбиркорлар қонунчилика мувофиқ ҳар қандай фаолиятни амалга оширишга ва ўз йўналишларини мустақил равишда танлашга ҳақли. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида иқтисодий макон бирлиги, товарлар, хизматлар, меҳнат ресурслари ва молиявий маблағларнинг эркин ҳаракатланиши кафолатланади. Монопол фаолият қонун билан тартибга солинад ва чекланади. Бизга ёқмаслиги мумкин бўлган яна бир талаб борки, ЖСТга аъзо бўлмоқчи бўлган давлат таънулот импорт қилаётган корхоналарга ўзида маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар билан тенг шароит ярати бериши зарур. Боз устига, Жаҳон савдо ташкилотига кириш учун 15 га яқин битимларни имзоланиши керак.

Агар Ўзбекистон шу шартнома шартларини бажаришни ўз бўйнига олиб, унга имзо чекса, Ўзбекистоннинг ЖСТга кириши анча тезлашадди. Жаҳон савдо ташкилотига энг қисқа вақт ичидида қўшилган давлат бу — Қирғизистон. У 3 йилда аъзо бўлган. Ташкилотга энг узоқ вақт давомидида қўшилган мамлакат бу — Россия. РФ 23 йил деганда қабул қилинган. Ўзбекистон ташкилотга



аъзо бўлиш учун 1994 йилда ариза топширган, агар 2024 йил билан ҳисобласак, Ўзбекистоннинг ЖСТга кириш бўйича ариза берганига 31 йил бўлди. Биз Россиянинг рекордини янгиладик. Жаҳон савдо ташкилотига 2-3 йилдан кейин қўшилишимиз, дейиш қийин. Нега ташкилотга қўшилишимиз бу даражада чўзилиб кетган? Биринчидан, ўша вақтда бизнинг иқтисодиётимиз ёпиқ бўлган.

Иккинчидан, Ўзбекистон протектианизм сиёсатини олиб борган. Яъни ташқаридан кирувчи маҳсулотларга катта божлар жорий қилган. Учинчидан, конвертация масаласи жуда муаммо эди. Мана шу омиллар сабабли Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш масаласи чўзилиб кетган. 2005 йилда ЖСТга қўшилиш масаласи ҳатто мутлақо ёпилган эди. Фақатгина Президент Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий иродаси билан биз ЖСТга аъзолик бўйича интилишларимизни тикладик.

Агар Ўзбекистон ЖСТга олдинроқ аъзо бўлганида эди, ҳозир аҳолининг турмуш тарзи мутлақо ўзгача бўлар эди. Ўзбекистон ташкилотга қўшилгач, бизнинг бозорларимизга арзон ва сифатли маҳсулотлар кириб кела бошлайди. Халқимизда танлов имкониятлари кенгайди. Мисол учун, Ўзбекистондаги автомобиль бозорига электро-мобиллар кириб келгач, автомобиль бозоридида нархларнинг пасайишига олиб келди. Агар мамлакатда монопол компания бўлса, у ишлаб чиқарадиган маҳсулотнинг нархи жаҳон бозоридидаги нархга нисбатан бир неча баробар қиммат бўлади. Бу нарса аҳолининг турмуш даражасига салбий таъсир кўрсатади. Оддий мисол, ЖСТга аъзо давлат билан Ўзбекистоннинг энергетик ҳолатини солиштириб кўринг. Жуда катта фарқни кўрасиз. Жаҳон савдо ташкилоти мамлакат ичидида соғлом рақобат муҳити бўлишини таъминлайди.

Айрим салбий томонлари ҳам мавжуд

Мамлакатимизда соғлом рақобат шароити бўлмагани учун аҳоли қишда айрим қийинчиликларга дуч келади. Агар бозор очик бўлса, бизга арзон хомашё ҳам кириб келади. ЖСТга аъзо бўлсак, иқтисодиётимизнинг иммунитети ошади. Агар қўшилишимиз чўзилиб кетса, иқтисодиётимизнинг иммунитети пасайиб кетади. Жаҳон савдо ташкилотига қўшилишимизнинг айрим салбий томонлари ҳам мавжуд. Агар ташкилотга аъзо бўлсак, бизга кат-

та миқдорда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари кириб келади. Бу, ўз навбатида, бизнинг ағар тизимимизга таъсир қилади. Лекин Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишимиз коррупция ва “хуфиёна иқтисодиёт” қўламини камайтиради. Ўзбекистон ЖСТга қўшилса, унинг географик жойлашуви иқтисодий имкониятларни оширади.

Хозирги кунда ушбу ташкилотнинг ҳар бир аъзоси Ўзбекистон товарларига исталган ҳажмида тарифлар киритиши мумкин. Ўзбекистон ташкилотга аъзо бўлгач, улар бундай чораларни амалга ошириши имконсиз бўлади. Яъни бунда ташкилот аъзоларига божхона тўловларини камроқ тўлаш ёки умуман тўламаслик имконияти пайдо бўлади. Бундан ташқари, ташкилотнинг барча аъзо мамлакатлари бозорларига кириш учун тенг ҳуқуқли шароит вужудга келади. Мамлакатимизда рақобат муҳити яхшиланиди ва монополиянинг олди олинишига эришилади, инфляция даражаси камаёди.

Яна бир муҳим мулоҳаза. Тожик давлат иқтисодиёт университетидида ҳам таънч олий таълим ташкилоти сифатида ЖСТга аъзо бўлиш борасида мамлакатимизда сўнгги йилларда олиб борилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини кенроқ тарғиб қилиш, унинг заруриятини илмий жиҳатдан асослаб бериш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Университетимизда халқаро стандартлар асосида “Савдо иши” таълим йўналишида мутахассислар тайёрланаётганлиги ҳам ЖСТга аъзо бўлиш борасидаги саяй-ҳаракатлардан биридир.

Шу ўринда 23 май куни университетимизда турли вазирликлар, иқтисодиёт соҳаси ва тармоқлари мутахассислари иштирокида ўтказилган “Яшил” иқтисодиёт шароитида барқарор савдо стратегиялари: муаммо ва ечимлар” мавзусидаги республика конференцияси — бу нафақат илмий мулоҳазалар майдони, балки мамлакатимизда барқарор иқтисодий сиёсат юритишда ҳамда ЖСТга аъзо бўлиш борасида муҳим платформа ҳисобланади.

Дарҳақиқат, Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши миллий манфаатларимизга хизмат қилувчи стратегик қадамдир. Бу жараён мамлакатимизни жаҳон иқтисодиётига янада чуқурроқ интеграциялаштириш, ташки бозорларга чиқиш имкониятларини кенгайтириш ва иқтисодий рақобатбардошлиқни оширишда муҳим ўрин тутди. ЖСТга аъзо бўлиш орқали Ўзбекистон инвестициявий жозибадорлиқни оширади, халқаро савдо қоидаларига мос равишда ички ислохотларни чуқурлаштириш ва барқарор ривожланишга мустаҳкам пойдевор яратади. Биз кўзлаётган улуғвор мақсад ҳам аслида шу.

Тўлқин ТЕШАБОВЕВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректори,
иқтисодиёт фанлари доктори,
профессор.

Спорт

Стол тенниси: Тошкентда халқаро мусобақа ўтказилади

Шу йилнинг 28 — 31 май кунлари Тошкент стол тенниси бўйича “WTT Youth contender” таснифидаги халқаро мусобақага мезбонлик қилади.

Ўзбекистон стол тенниси федерацияси матбуот хизмати хабар беришча, мазкур турнирда 16 мамлакатдан 300 нафардан ортиқ ёшлар стол тенниси голиблиги учун баҳс олиб боришади.

Беллашувлар муҳташам “Хумо арена” мажмуасида ўтказилади. Дастурга кўра спортчилар “U11”, “U13”, “U15”, “U17” ва “U19” ёш тоифаларида иштирок этишади.

Мазкур нуфузли турнирда қатнашадиган ёш атлетларимиз ҳозирда ўз мураббийлари билан тайёргарлик машғулотларини ўтказишмоқда.



Футбол: махсус олимпиада чемпионати якуни

Республика олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказида спортнинг футбол тури бўйича Ўзбекистон махсус олимпияда чемпионати бўлиб ўтди.

Икки кун давом этган ушбу мусобақада Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлардан махсус мактаб-интернати тарбияланувчиларидан ташкил топган жамоалар қатнашди.

Уйинлар 3 та дивизионда ташкил этилиб, 1-дивизионда Тошкент вилояти, 2-дивизионда Сурхондарё вилояти ва 3-дивизионда Тошкент шаҳри жамоалари голиблиқни қўлга киритди.

Иштирокчиларга эсдалик совғалари ҳамда дипломлар топширилди.



Шашка: қизғин баҳс, муросасиз беллашувлар

Хоразмда ўтказилган “Беш ташаббус олимпиадаси” доирасидаги спортнинг шашка тури бўйича “А” лига республика финал босқичи якунланди.



Юртимизнинг турли ҳудудларидан сараланиб, якуний финал босқичигача етиб келган ёшлар спортнинг шашка тури бўйича ўзаро куч синашди.

Қизғин баҳс, муросасиз беллашувларга бой ўтган мусобақа якунида бўлиб ўтган тақдирлаш маросимида голиб ва совриндорларга диплом, медаль ҳамда Спорт вазирлигининг эсдалик совғалари топширилди.

«Халқ сўзи».

28 — 31 май кунлари «Орол денгизига поезд» ёшлар экологик акцияси ташкил қилинади.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 542. 13 297 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Өфсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Гезетик ҳақиқати маълумотларни юқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; қотибхият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-45.



“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 04.33 Топширилди — 04.35 1 2 3 4 5 6

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066,

Тошкент шаҳри,

Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Р. Бобожонов.

Мусаҳҳиш — Ш. Машраббоев.